
Маҳалла ёшлари иштирокида футбол мусобоқаси бўлиб ўтди.

Бугунги кунда Қува туманида ёшларни спортга кенг жалб этиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан сектор раҳбарлари ва масъул ташкилотлар томонидан турли спорт мусобоқалари доимий ўтказилиб келинмоқда.

Ана шундай мусобоқалардан бири туман прокуратурасининг ташаббуси билан Қорашох маҳалласида 2-сектор ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ёшлари ўртасида спортнинг футбол тури бўйича мусобоқа ўтказилди.

Ўтказилган мусобоқада ҳудуддаги 14 та маҳалла фуқаролар йиғинларидан ташриф буюрган жамоалар иштирок этди. Мусобоқа сўнгида ғолиб жамоалар ва спортчи ёшлар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

2023-03-14 13:04:59